

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ
ДАВЛАТ МУЗЕЙИ**

**МУЗЕЙШУНОСЛИК XXI АСРДА:
ТАДҚИҚОТЛАР, АНЪАНАЛАР ВА
ИННОВАЦИЯЛАР**

**Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари
тўплами**

2-КИТОБ

ТОШКЕНТ – 2022

УЎК 069.01:001.895(082) «XXI»

Масъул мухаррирлар:

Жаннат ИСМАИЛОВА, тарих фанлари доктори, профессор

Алишер ИСМАИЛОВ, п.ф.б. фалсафа доктори (PhD), кат.и.х.

Лариса ЛЕВТЕЕВА, тарих фанлари номзоди, кат.и.х.

Жамловчи ва нашрга тайёрловчилар:

Дилафрўз КАРИМОВА, т.ф.б. фалсафа доктори (PhD), кат.и.х.

Тохир НОРҚОБИЛОВ, музей илмий ходим

Такризчилар:

Т.ф.д.Б.В.Хасанов, т.ф.н.Х.Файзиев

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи Илмий кенгашининг 2022 йил 4 апрелдаги мажлиси қарори асосида нашрга тавсия этилган.

Тўплам музейшунос, тарихшунослар, тадқиқотчилар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

© Ўз Р Ф А Ўзбекистон тарихи давлат музейи, 2022.

Шерали ЖЎРАЕВ,
Бухоро давлат музей-қўриқхонаси
Санъат ва этнография бўлим мудири
Sherali_Gulyamovich@mail.ru
(Ўзбекистон)

Б.А.КАЗАКОВ ИЛМИЙ МЕРОСИДА БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада Бухоро давлат музей-қўриқхонасида узоқ йиллар фаолият юритган шарқшунос олим Баходир Абдушукурович Казаковнинг Бухоро тарихи бўйича қилган тадқиқотлари таҳлил қилинади. Илмий тадқиқотнинг асосини ташкил қилган – «Араб ёзувидаги қўлёзмаларни ўрганиш илмий маркази»да сақланадиган қўлёзмалар ҳақида қисқача таъриф берилади. Мақолада асосий эътибор шарқшуноснинг илмий меросида Бухоро тарихи масалаларини ёритилишини ўрганишга қаратилган.

Калит сўзлар: Бухоро музей, Б.А.Казаков, илмий марказ, қўлёзма.

Аннотация: В данной статье анализируются исследования по истории Бухары, проведенные ученым-востоковедом Баходиром Абдушукуровичем Казаковым, который много лет работал в Бухарском государственном музее-заповеднике. Основой научного исследования является краткое описание рукописей, которые хранятся в «Научном центре по изучению восточных арабграфических рукописей». Основной акцент в статье сделан на изучении освещения вопросов истории Бухары в научном наследии востоковеда.

Ключевые слова: Бухара музей, Б.А.Казаков, научный центр, рукопись.

Abstract: This article analyzes the research on the history of Bukhara conducted by the orientalist scientist Bahodir Abdushukurovich Kazakov, who worked for many years in the Bukhara State Museum-Reserve. The basis of the scientific research is a brief description of the manuscripts that are stored in the «Scientific Center for the Study of Oriental Arabographic Manuscripts». The main emphasis in the article is on the study of the coverage of the history of Bukhara in the scientific heritage of the orientalist

Keywords: Bukhara Museum, B.A.Kazakov, scientific center, manuscript

Бухоро давлат музей-қўриқхонаси таркибида 1990 йилда ташкил топган «Араб ёзувидаги қўлёзмаларни ўрганиш илмий маркази» да [1, 90] сақланаётган қўлёзма ва тошбосма китоблар, хужжатлар бир неча тадқиқотлар учун асосий манбалардан бўлиб хизмат қилган [2, 10]. Ушбу марказнинг раҳбари сифатида шарқшунос олим, эроншунос Баходир Абдушукурович Казаков 20 йилдан зиёд фаолият юритган бўлиб, олимнинг ижоди асосан қўлёзмалар билан боғлиқ эди. 1976 йилда музей илмий ходими сифатида ишга қабул қилинган [3, 8] пайтда фонд экспонатлари қўлёзма китоб ва хужжатларни аҳолидан қабул қилиш эвазига тўлдирилаётганди. Аммо музей фонди тизимлаштирилмаганлиги учун, фонд экспонатлари классификация қилинмаган эди. Бунинг асосий сабаби музейда илмий ходимларнинг тез-тез ўзгариши бўлиб, вазият ўтган асрнинг 70-80 йиллардан бошлаб барқарорлашади. Музей илмий ходимлари томонидан қўлёзма мерос назардан четда қолаётганлиги афсус билан таъкидланса-да, [4, 2] музейнинг Кирилл Китоблари (КП ёки Главная инвентарная книга) ўрганилиб, улардаги даврийлаштириш тенденциясига алоҳида эътибор қаратилди. Дастлаб хужжатлар ва китоблар алоҳида қисмларга ажратилган бўлса, кейин уларнинг қайси даврга оид эканлигига қараб сараланди. Бунинг натижасида Бухоро музейида қўлёзма ва тошбосма асарлар учун махсус инвентарь китоб тайёрланди: Б.А.Казаков томонидан музейдаги қўлёзмаларни ўрганиш жараёни бошлаб юборилади. Шарқшунос олим қўлёзмаларни алоҳида туркумлар, шунингдек, улардаги тарихий маълумотларга алоҳида эътибор берар эди.

Б.А.Казаков мазкур фондда сақланаётган қўлёзмалар асосида Бухоро тарихи масалаларига бағишланган илмий мақолалар ёзар, халқаро ва республика миқёсида конференцияларда иштирок этар, тадқиқот натижаларини даврий матбуотда эълон қилиб борарди [5, 265]. Қўлёзма ёдгорликларни тавсифлаш, тадқиқ этиш ва нашрга тайёрлаш, асл ёки кўчирмелигини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг илмий маркази ташкил қилингандан кейин ҳам бу жараёнлар жадаллашади [6, 3].

Олим томонидан дастлаб Бухоронинг қўлёзма ва тошбосма асарлари ҳақида мақолалар эълон қилинади [7, 2]. Тошбосма китоблар, уларнинг пайдо бўлиш тарихига алоҳида эътибор бериб, Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асари Ўрта Осиё бўйича қимматбаҳо аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади. Бунинг ёрқин далили сифатида XVI асрдан бошлаб 400 дан ортиқ нусха кўчирилганлиги билан изоҳлайди. Муаллиф бу асарни

француз шарқшунос олими Ш.Шефер «Бухоро топографияси ва тарихига оид қўлланма» деб атаганлигини таъкидлайди [8, 3]. Олим нима учун топографияга урғу берилганлигини изоҳлар экан, асарнинг 1/3 қисми Бухоро атрофидаги жой номлари, уларнинг тарихини ўз ичига олганлигини асос қилиб кўрсатади. Шунингдек, Бухоро тарихига оид қўлёзма ҳужжатларнинг аксарияти Марказий давлат архивида, кейинги ўринларда Бухоро вилоят кутубхонаси ва Бухоро давлат музей-кўриқхонасида сақланаётганлигини таъкидлайди. [9, 4]

Музей қўлёзмаларини туркумлашда олим уларни бир неча гуруҳларга бўлади: хонлик ҳужжатлари, васиқа, вақфномалар, суд-ҳуқуқ, оила-никоҳ, расмий хатлар ва бошқа иш юритиш ҳужжатларига ажратади [10, 62]. Мақола 20 бетдан зиёд ва ундаги ҳар бир жиҳатга алоҳида эътибор берилган, масалан вақф ҳужжатлари мисолида оладиган бўлсак, унинг тузилиш тартиби, шартлари, даромад ва кирим ҳақидаги маълумотлар, ҳужжатдаги алоҳида белгилар, сана, муҳрлар ва бошқа жиҳатлари батафсил ёритилган. Олим фақат битта ҳужжат мисолида эмас, балки бир неча ўнлаб вақфномаларни солиштириб, илмий хулосалаган ҳолда тадқиқотини оммага тақдим қилган.

Шарқшунос олим илмий тадқиқоти давомида «Документальные памятники Средней Азии» номли китоб нашрдан чиққан. Мазкур китобда Ўрта Осиёда қўлёзма ҳужжатларнинг пайдо бўлиши, уларнинг ўрганилиши, қайси даврларда кўп зарар кўрганлиги, шунингдек, минтақада архив ишининг шаклланиши сингари масалалар ўз аксини топган [11, 5]. Китобнинг 3-бобида шарқ қўлёзмаларининг мўғуллар босқинидан XX аср бошигача бўлган даврдаги маълумотлари тўпланган. Б.А.Казаков Бухоро ҳудудида ёзилган ҳужжатларнинг асосан тожик тилида, шунингдек, ўзбек, турк, уйғур, араб ҳаттоки рус тилида ёзилганлигини таъкидлайди [12, 2]. Бу ҳужжатларнинг ички ва тузилиши ҳақидаги тадқиқотларнинг аксарияти музейнинг илмий тўплами ва халқаро конференциялар тўпламларида нашр этилган. Олимнинг Германияда нашр қилинган «Бухоро ҳужжатлари» асари ўзининг кенг қамровлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Музей директори томонидан ёзилган тақризга кўра, асар муаллифнинг илмий тадқиқотлари натижаси бўлиб, унда вақфномалар, шахсий ҳужжатлар, уларнинг таркибий қисми сингари масалалар ўз аксини топган [13, 6].

Бухоро музейи илмий маркази хазинасида сақланаётган ноёб асарлардан бири сифатида «Амир Темур тарихи», унинг музейга келиб қолиш тарихи олим томонидан мисол келтирилади. Шу ўринда муаллиф

таниқли олим Ю.Крачковскийнинг қўлёзмалар хазинаси ўзида маълум бир кичкина сирни сақлашини ёдга олади [14, 4].

Б.А.Казаков илмий тадқиқотлар учун ва музей қўлёзмаларини ўрганиш жараёнида 2 та дафтар тутар, манбадаги маълумотни жиддий таҳлил қиларди. [15, 162] Олим томонидан алоҳида эътирофга сазовор бўлган асарлар сирасига Носириддин Тўранинг «Кануз ал-атқиё» (Хушатовлар хазинаси), «Бухоро Аркида мавжуд иншоотлар тавсифи» номли асарларини киритиш мумкин [16, 3]. Ушбу асарда келтирилган маълумотларни жиддий тадқиқ қилган олим Бухоро шаҳри ва унинг атрофида мавжуд бўлган тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар ва уларнинг жойлашган ўрни ҳақида қимматли маълумотларни келтиради. Шундай жойларга Бухородаги 7 пир зиёратгоҳи, Эшони Имло ва Хўжа Исмат мозори, [17, 3] айниқса Абу Ҳафс Кабир мақбарасини мисол келтириш мумкин [18, 195].

Имом Ҳожатбарор ҳақидаги мақолаларни ёзишда бир неча қўлёзмалардан фойдаланар экан, улардаги маълумотларни диққат билан ўрганганлиги, асарларни бир-бири билан солиштирганлиги маълум бўлади. Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг қабрининг жойлашув ўрни ва Бухоро шаҳрида қибла томонни топишдаги унинг аҳамиятини очиб беради, шунингдек мақолада зиёратгоҳда мавжуд бўлган, аммо сақланиб қолмаган иншоотлар тасвири ҳам берилади.

Олим маълумот берадиган иншоотлардан бири Ғозиён мадрасасидир. Бу даргоҳни тарихи ва таърифига муаллиф бир неча маротаба мурожаат қилади [19, 3]. Айниқса шу мадрасанинг вақф ҳужжати музей фондида сақланадиган шу турдаги ҳужжатларнинг қадимгиси саналади. Муаллиф шу ҳужжат асосида талабаларнинг мадраса таълимидан кейинги мударрис-ўқитувчи мақомини олишини таъкидлайди. Мана шу вақф ҳужжати асосида Бухорода таълим ва тарбия билан боғлиқ жиҳатларни ёритиб беради [20, 32].

Олим Бухорода Наврўз байрамининг нишонланиши, унинг вужудга келиш тарихи, моҳияти, афсоналар ҳақида ҳам батафсил маълумот беради. «Бухоро тарихи» асарида Варахша қалъаси ҳақида маълумотлар берилиб, шу ернинг ўзида байрам – Наврўзи кишоварзон (деҳқонлар наврўзи) нишонланиши ва унинг Умар Ҳайём «Наврўзнама» рисоласидаги фикрларга мос келишини таъкидлайди [21, 3]. Умуман олганда Буюк ипак йўлида жойлашган манзилгоҳлар, уларнинг тарихий китоблар асосида ёзилган топографик жой номлари, ички ва ташқи савдодаги аҳамияти ҳам кенг ёритиб берилган [22, 5].

Шарқшунос олим серқирра ижод йўлини танлаган. Шарқ хужжатлари билан ишлаш асосида олимнинг нумизматикага бағишланган мақоласига ҳам гувоҳ бўлиш мумкин [23, 3]. Мақолада Бухоро вилояти Когон туманида тасодифан топилган Бухорода зарб қилинган Улуғбек даври тангалари ҳақида сўз боради. Тангаларнинг умумий сони 600 тани ташкил қилиб, кейинчалик музей ходими Ф.И.Водопошин яна 500 га яқин тангани топгани ҳақида маълумот қолдирилган. Олимнинг фикрига кўра танганинг аверс қисмида «Бухоро», «зарб» ва «адлийя» сўзлари учрайди, реверсида эса араб имлосида танганинг зарб қилинган йили ҳижрий 832 йил (1428-29 йй.) кўрсатилган.

Олимнинг илмий нигоҳидан тарихий шахслар ҳам четда қолмаган, масалан Абу Ҳафс Кабир, [24, 37] Хўжа Жандий, [8, 3] Латиф Хўжа (айниқса йирик савдогарнинг архиви) [12, 2] Аҳмад Дониш (олимнинг ўз кўли билан кўчирган китоби), [25, 3] Садриддин Айний (унинг эълон қилинмаган хати ва Арқда хибсда сақланганлиги) [26, 2] ва бошқалар бизнинг кейинги тадқиқотларимизнинг мавзучи бўлиб қолади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзининг илмий фаолиятини музейдаги қўлёзмаларга бағишлаган шарқшунос олим тадқиқотларида Бухоро тарихининг турли масалалари кенг ёритиб берилган. Ўз даврида халқаро даражадаги илмий алоқаларни йўлга қўйган илмий марказ фаолияти яна кўплаб тадқиқотларнинг манбаси бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Альмеев Р.В. Бухара – город музей. -Тошкент: «Фан»,1999.
2. Джураев Ш.Г. Сокровищница рукописей Бухарского музея // Диссертация на соискание академической степени магистра. Бухара-2020. - с. 10.
3. Ахмедов А. Бухоро музейларидаги қўлёзма дурдоналар. - Бухоро: «Дурдона», 2018.
4. Казаков. Б. Всенародные достояние. // Советская Бухара. -1985. -№234 -с.2. 7-декабря.
5. Жўраев Ш. Бухоро музейидаги «Араб ёзувидаги шарқ қўлёзмаларни ўрганиш» илмий маркази фаолияти. // Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари метод-лари ва методологиясининг долзарб масалалари Республика XIII илмий-амалий конференцияси. Тошкент, 2021. Б. 262-267.

6. Казаков Б. Кулёмалар – нодир ёдгорликларимиз // Бухоро ҳақиқати, 1991 й, 28.02.
7. Казаков Б., Ақобирова М. Бухоронинг тошбосма китоблари. // Бухоро ҳақиқати, 1992 й, 3.12
8. Казаков Б, Иброхимов Б. Бухоро тарихига оид асарлар// Бухоро ҳақиқати, 1991 й, 31.08
9. Казаков Б. Нодир ёдгорликлар. // Бухоро ҳақиқати, 1985 й. 15.12. -с.4
10. Казаков Б. Коллекция исторических документов Бухарского государственного архитектурно-художественного музея-заповедника// Из истории культурного наследия Бухары. Выпуск №1. -Ташкент: «Узбекистан», 1990 г. -с.62-79
11. Казаков Б. Документальные памятники Средней Азии. - Ташкент: Узбекистан, 1987.
12. Казаков Б. Новые документальные памятники. // Советская Бухара. 1985 г. 26.09. -с.2
13. Альмеев Р. Монография Бухарского учёного издана в Германии // Бухарский вестник, 2001 г. 14.11. -с.6
14. Казаков Б. Редкий случай в археографии. /Правда Востока. 17.03.1977 -с.4
15. Джураев Ш. Б.А.Казаков – знаток бухарских священных мест. // «Бухоронинг жаҳон маданиятидаги ўрни» мавзусида Республика миқёсида онлайн илмий-амалий анжумани. Бухоро, 27.04.2020., С. 160-164
16. Казаков Б. Ақобирова М. Бухоронинг тошбосма асарлари // Бухоро ҳақиқати. 1992 йил 2 декабрь. С-3
17. Казаков Б., Ақобирова М. Бухоро мазорлари// Бухоро ҳақиқати, 1991 й, 4.10. -с.3
18. Жўраев Ш., Искандаров А. Б.А.Казаков илмий меросида Абу Ҳафс Кабир Бухорий шахси ва мақбараси. Меъморий мажмуанинг замонавий кўриниши. // Хоразм Маъмун Академияси, 2021, №7., Б. 194-196
19. Казаков Б. Из глубины веков. // Советская Бухара. 1986 г. 12.02.
20. Казаков Б. Бухорода таълим-тарбия тарихидан. //Бухоро мавжлари. 2006 г. №3. -с.31-33
21. Казаков Б. Янгиланиш айёми.// Бухоро ҳақиқати, 1991 й, 21.03
22. Казаков Б. Буюк ипак йули чоррахаси. // Бухоро хақиқати. 20.05.1998 -с.5

23. Казаков Б. Клад с монетами. // Правда Востока. 1979 г. 28.08. - с.3
24. Казаков Б. Хазрати Имам – Абу Хафс Кабир Бухари. // Бухоро мавжлари. 2007 г. №4. -с.36
25. Казаков Б. Автограф Ахмад Даниша. //Советская Бухара. 14.07. 1979 г.
26. Казаков Б. Неопубликованные письмо. // Советская Бухара. 29.04.1973 -с.2.

Тошбоев Ф., Иномова М. Уструшонада ўрганилган моддий манбалар ва улардан музейларда фойдаланиш ҳақида.....	173
Нишонова К., Усмонова З. «Сахродаги лувр»нинг ривожланиш тенденциялари	179
Орифжонова Г. Музей аудиторияси билан ишлашда арт терапиянинг ўрни.....	186
Эрбутаева Ў., Райимжонов И. Қадимий Ховос тепалиги туҳфалари.....	191
Надинова А. Музей Низами, хранящий бесценные письменные принадлежности видных представителей Азербайджана XIX-XX веков	196
Рахматова Д. «Пахта иши» ноҳақликлари.....	202
Болтаев А. Рамазонова Ф. Бухоро ўлкашунослик музейи 100 ёшда.....	207
Абдуллаев Д. Описание работы по хранению орденов и медалей в коллекции музеев Узбекистана.....	215
Закиров А. и др. Применение геофизических методов при изучении археологических объектов на примере городища Хайрабадтепа	221
Темиров Ф. Садриддин Айнийнинг Самарканддаги уй-музейи ва унинг ҳозирги фаолияти	226
Равшанов Ў. Бухоро зиёратгоҳларида туғ саклаш анъанаси.....	233
Акбархўжаев А. Миниатюра - маданий мероснинг ажралмас қисми сифатида	241
Жўраев Ш. Б.А. Казаков илмий меросида Бухоро тарихи масалалари	245
Каримова Д. Қайроққум манзилгоҳи чорвадор қабилалар маданиятини ўрганишда муҳим ёдгорлик.....	252
Абдувахобов У. Риштон анъанавий кулолчилик мактаби.....	257
Jabbarova L. Muzeylarda liboslar ekspozitsiya dizaynini yaratish qonuniyatlarining nazariy asoslari	263
Kasimova Sh. Muzey kommunikatsiyasining dolzarb ijtimoiy aspektlari.....	270
Amanxodjayeva G. Elektron kataloglarning raqamlashtirish tizimi joriy etilishining muzey ishi faoliyatidagi o'рни	276
Sadikova N. Ta'mirlangan arxeologik topilmalarni muzey va ko'rgazma zallarida namoyish etishning zamonaviy usullari	282
ИККИНЧИ ШЎБА: МУЗЕЙШУНОСЛИҚДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ	288
Исмаилов А. Ўзбекистон тарихи давлат музейи илмий тадқиқот муассаси сифатида	288
Dospanov O., Adilbaeva M. Samples of architectural decors in the medieval age interior.....	295
Мустафоев Ш. Геометрический анализ и эволюция сталактитовых парусов квадратно-ромбовидног типа	304
Хасанова Н. Ўзбекистон-Туркия муносабатлари тарих кўзгусида (миниатюра мактаблари мисолида).....	313
Усмонов У. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳайкалтарошлик санъати.....	321
Ziyayeva R. Zangi ota me'moriy yodgorligi.....	326
Боймирзаев С. Ўзбекистон тарихи давлат музейида фонд ишининг юритилиши	335
Kuryazov U. Sculpture and architecture in the development of the urban environment	342
Қаюмов С. Темурийлар даври меъморий безакларини ўзига хослиги	348

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

**МУЗЕЙШУНОСЛИК XXI АСРДА:
ТАДҚИҚОТЛАР, АНЪАНАЛАР ВА
ИННОВАЦИЯЛАР**

**Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами
(2022 йил 28 февраль)**

